


**“МТТда ИЖОДИЙ РИВОЖЛАНИШ” фанида ўқувчиларнинг  
креативлик компетенцияларини ривожлантиришга қаратилган  
машғулот лойиҳаси**

Лойиҳа 8 та асосий блоклардан ташкил топади ва хар бирининг ўз вазифаси бор.



2.2.1-расм: ТРИЗ тизими асосида ишилаб чиқилган машғулот лойиҳаси

Кўп даражали ТРИЗ тизимидағи инновацион педагогик технологиялар юқорида таъкидланган асосий дидактик тамойилларни дарслар ишланмасини ўзгартириш ва уларни оригинал тарзда бойитиш орқали амалга оширишни назарда тутади. Юқоридаги расмда икки томонлама креатив дарс ишланмаси кўрсатилган.

**1-бўлим (мотивация)** ўқувчиларда ҳайратланиш ҳиссини уйғотувчи маҳсус танланган оригинал объект-сюрпризларни ўз ичига олади. Ушбу бўлим ўқувчиларда дарсларга нисбатан мотивацияни уйғотади ва қизиқишини оширади.

**1 ва 6-бўлимлар (асосий қисм)** ўкув курсининг дастурий материалыни ўз ичига олади ва тизимли фикрлашни шакллантириш ҳамда ижодий қобилиятларни ривожлантиришни таъминлайди.

**3-бўлим (психологик ҳордиқ)** психологик ҳордиқ машқлари тизимини ўз ичига олади. Психологик ҳордиқ бош мия яримшарларини ривожлантириш гармонизацияси бўйича машқлар, тренинг, спорт ва эмоционал ўйинлар, театрлаштириш ва бошқалар орқали амалга оширилади.

**4-бўлим** (*бошқотирма*) асли негизида оригинал, ўткир зеҳнни чарҳловчи ғояга эга ҳақиқий обьектлар билан уйғунашган мураккаблаштирилган бошқотирмалар тизими ҳисобланади.

**5-бўлим** (*интеллектуал машқ*) мотивацияни ривожлантириш, дивергент ва мантиқий фикрлаш ҳамда ўқувчиларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришга йўналтирилган мураккаблаштирилган топшириқлар тизими.

**7-бўлим** (*мультимедиали ишланма*) мотивация ва фикрлаш ривожланишини таъминлайди, ўқувчилар ёшига мослаштирилган компьютер ўйин-бошқотирмалари ташқи ҳаракатлар режасидан ички режага киришни таъминлайди.

**8-бўлим** (*рефлексия ва умумлаштириш*) ўқувчилар билан дарсда фикр алмашибни таъминлайди ва ўқувчилар томонидан дарснинг ўзига сифатли ва эмоционал баҳо беришни таъминлайди.

Ривожланишга таъсир кўрсатувчи таълим тури ўқувчиларнинг ўзидаги фаол когнитив фаолият турларини шакллантиради. Хилма-хил фаол машғулот турларини турли усуллар орқали эгаллаш: ҳайратлантирувчи буюмлар ҳақида фикр юритиш; бошқотирмалар билан ишлаш; масофали компьютер ўйинларини ишлаш – ўқувчининг ривожланишини сезиларли даражада бойитади. Мазкур креатив технологиянинг психологик мазмуни таълим жараёнини «ўқувчидан» бошлаб режалаштиришни назарда тутади. Эҳтиёжларни намоён қилиш нафақат тизимли равишда ташкиллаштирилган рефлексия – таълиим жараёни ва натижаларни умумлаштириш, балки ўз вақтидан назоратдан ўтказиш ва ўқувчиларни ўқув фаолиятини режалаштиришга жалб қилишга имкон беради. Барқарор ижобий мотивацияни дарс давомида қўллаб-қувватлаш. Махсус ишлаб чиқилган топшириқлар тизимларидан иборат бўлган дарсларни, мотивацион тартибга солиш таъминланади. Ҳар бир ўқув ишлари циклининг охирида ўқувчилар муваффақиятнинг ижобий туйғулари ва ишнинг кейинги босқичига ўтиш истаги фаол равишда сақлаб қолинади. Ҳар бир креатив дарс ахборот

харитаси билан ўтказилади. Креатив дарс ишланмаси юқорида таъкидланган саккизта бўлим орқали тақдим этилган.



### 2.2.2- расм: Креатив дарс ишланмаси

#### Креатив дарс ишланмаси технологик харитасидан намуна

№	Дарс бўлимлари	Қисқартма	Вақт	Эслатма
1	Мотивация («Мўжиза билан тўқнашиш»)	М	5'	1 соат (академик)
2	Дастурий материалнинг асосий қисми	АҚ-1	20'	
3	Психологик хордик (тренинг, ўйин ёки жисмоний пауза)	ПХ	5'	
4	Бошқотирма	Б	10'	
Танаффус				
5	Интеллектуал машқ	ИМ	10'	1 соат (академик)
6	Дастурий материалнинг асосий қисми	АҚ-2	15'	
7	Мультимедиали ишланма	МИ	10'	
8	Умумлаштириш	У	5'	

## **Мавзу: Мактабгача таълим ташкилотларида пластилин (лой) билан ишлаш (2-соат)**

### **1-бўлим. Мотивация (ҳайрат, сюрприз)**

Ҳайратлантирувчи буюмлар билан танишиш тизими, уларни яратиш усулларини топиш – буларнинг барчаси ўқувчиларининг изланувчанлик фаолиятидаги қизиқиш ва самарадорликни таъминлашга хизмат қиласди. Мотивация дарс жараёнида боланинг тасаввурини сирли ва кутилмаган гўзаллиги билан ҳайратлантирувчи буюмлар, масалан, ўйинчоқлар шаклида амалга оширилади. Бу, “Оригами” техникасида яратилган ўйинчоқлар, пластелинли ишланмалар бўлиши мумкин. Ўтилаётган дарс мавзусига боғлиқ манбадан фойдаланилади. Пластелин ва лойдан антиқа буюмлар ясашида уларга креатив ёндошув билан қараш энг оригинал буюмларни яралишига сабаб бўлади. Мисол тариқасида келтирилган расмга қаранг нимани кўрайapsиз?

1-ўқувчи: бу расмда қовоқдан ясалган хўроз тасвириланган.

2-ўқувчи: хитойлик хайкалтарош томонидан ясалган деб ўйлайман, чунки қанотлар ва тумшуқ қисмида зхитой миллий нақшлари ва миллий таоми тасвири келтирилган деб ўйлайман.

3-ўқувчи: мен ушбу тасвирида лойдан ясалган думини ёйиб турган товусни кўрдим деб айта оламан.

### **2 ва 6-бўлимлар. Курс дастурининг асосий қисми.**

Бошқа бўлимлар билан тизимли бирлашувга асосланган курс дастурининг асосий қисми, умуман олганда, ўқувчиларнинг ижодий тасаввурлари ва фантазияларини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, ихтирочилик масалаларини ҳал қилиш назарияси каби жиддий фан пропедевтикасини таъминлайди.

Бу ерда шуни ҳисобга олиш керакки, мураккаб масалаларни ҳал қилишда юқори муваффақиятларга эришиш учун учта омил муҳим ўрин тутади: қобилиятлар, имкониятлар ва инвидуаллик. Ўткир, соғлом фикрлаш, абстракт ва мураккаб тафаккур,

нутқий, математик ёки техник енгилликка нисбатан қобилиятлар. Ушбу қобилиятлар бошқа инсонлар томонидан ижобий баҳоланиши муҳим саналади. Ушбу бўлимда дарс мавзуси тўлиқ тушунтириб берилади ва ўқувчиларнинг зарурий билим, малака ва кўникмани эгаллашлари таъминланади.




*Режа:*

1. Мактабгача таълим муассасасида лой ва пластилиндан оъйинчоқлар ясишининг хусусиятлар.
2. Предметли ўйинчоқлар ясиш
3. Лой ва пластилин ўйинчоқлар ясишининг сенсор асослари

**Мактабгача таълим муассасасида лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясашнинг хусусиятлар.** Ойинчоқ – махсус равишда болалар ўйинлари учун мўлжалланган предмет. Ундан фойдаланиш болалар онг-билим доирасини кенгайтиришга, унда акс эттирилган нарса ва борлик ходисаларига қизиқиши ўйғотишига, мустақилликни ривожлантиришга ёрдам беради. Ўйинчоқлар билан ўйналадиган биргаликдаги ўйинларда болаларда дўстона муносабатлар, ўз ҳаракатларини мувофиқлаштириш малакаси таркиб топтирилади.

Бир донишманд болаларга олам, ўз мамлакати ҳақида билим бериш зарурлиги тўғрисида гапириб, шундай деган экан: “Қизиқарли қилиб, ақл югуртиб ва содда тил билан ёзилган китоб бўлса, бунга бемалол эришиш мумкин, аммо қизиқарли ўйинчоқ билан бунга янада осонрок эришилади”. Мактабгача ёшдаги болаларга таълим ва тарбия беришда ўйинчоқлар ясаш катта аҳамиятга эга. У мактабда муваффақиятли ўқиш учун зарур хусусиятлар кўриб идрок этишни, хотирани, образли фикрлашни ривожлантиришга, кўл меҳнати кўникма ва малакаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Ўйинчоқлар ясаш тасвирий фаолиятнинг бошқа турлари сингари, эстетик дидни шакллантиради, гўзалликни ҳис қилишга, унинг ранг-баранглигини тушунишга ўргатади. “...Тасвирий санъат соҳасидаги ишлар оиласида,— деган эди ҳайкалтарош И.Й.Гинсбург,— ўйинчоқ ясаш худди математика фанларидаги арифметика каби рол ўйнайди. У предмет тўғрисидаги тасаввурнинг алифбосидир. У предметни ўқиш, уни баён этишнинг дастлабки шаклидир”. Катталар болаларнинг ёш хусусиятларини билиб, ўрганиб, шунга мувофиқ равишда ўйинчоқларни яратиш ва танлаши, уларни ясаш йўлларини ҳам болаларга ўргатиши лозим. Кичик ёшдаги боланинг идроки айниқса ўткир бўлади. Болаликда ҳишаяжон билан идрок этилган нарсалар бутун умр бўйи эсда қолади. Гўзал нарсаларни идрок этиш болаларда эстетик ҳиссиётни, санъат асарларига ҳурмат ва эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишни шакллантиради. Санъат асарлари муайян ахборот бериши сабабли боланинг билим доирасини кенгайтиради. Бундай асарлар болаларда ахлоқий ҳистуийгуларни таркиб топтиради. Болалар боғчасида лойдан ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш тўғрисида гапирилганда, тасвирий фаолият, бу фаолият жараёнида болалар теваракатрофларидаги воқеликни акс эттириши, лой ёки пластилиндан фойдаланиб элементар ўйинчоқлар яратиши назарда тутилади. Боланинг ҳатто энг оддий ўйинчоқни ясами ҳам ижодий жараёндир. Чунончи, лойнинг шарсимон бир бўлаги ҳам жажжи гўдакда коптоқ, апелсин, олма, учлари бирлашгунча думалоқланган лой устунча эса ҳалқа, тешиккулча бўлиб туюлади. Иш вақтида бола лойни турли шаклга солиб ўйнар экан, унинг юмшоқлигидан, ҳажмлилигидан завқланади, ўзи ясаган шаклга қараб хурсанд бўлади.



Шу билан бирга бола лой ва пластилиннинг турли хоссаларини англаб етади,



ҳажмли шакл, предметнинг тузилиши ҳамда нисбатлари билан танишади, қўллари аниқ харакатлантириш кўзи билан тўғри мўлжал олишни ўрганади, унда конструктив қобилияtlар шаклланиб боради. Агар фаолиятнинг бу тури тўғри йўлга қўйилса,

бой ва пластилиндан турли ўйинчоқлар ясаш болаларнинг севимли машғулотига айланиб қолиши мумкин. Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш

машғулотларида тарбиячилар олдига: болалар ижодкорлигини ривожлантириш, уларда тасвирий ҳамда техник кўникмалар ҳосил қилиш, мазкур фаолият турига қизиқиш ўйготиш вазифалари қўйилади. Болалар боғчасидаги таълим тизими болаларни мактабга тайёрлаш


мақсадини кўзлаган ҳолда ташкил этилади. Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш ҳам расм чизиш каби эстетик тарбия тизимида муайян ўрин тутади ҳамда ўзига хос хусусиятга эга бўлади. Тасвирий фаолиятнинг ҳар бир тури болаларда ақлий фаолликни, ижодкорликни, бадиий дидни ва бошқа фазилатларни тарбиялаш имконини беради. Бундай фазилатларсиз ижтимоий фаол шахснинг дастлабки асосларини шакллантириб бўлмайди. Лойдан ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш машғулотларида мазкур фазилатларнинг ривожланиши ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Чунончи ҳар қандай предметнинг ҳажми бор ва бола уни ҳар томондан кўриб идрок этади. Предметни идрок этиш асосида боғча боласининг онгига образ шаклланади. У ўйинчоқлар ясашда ўзининг реал воқеликдан олган билимларига суняди, бола расм чизишдаги ёки аппликациялар ясашдаги каби предметнинг бир томонини эмас, балки барча томонини акс эттиради. Чунки унга энди тасвирий фаолиятнинг бошқа турларида зарур бўладиган шартли ифодалаш усулидан фойдаланишга тўғри келмайди. Бундан ташқари, лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш расм чизиш, аппликация ишлашга қараганда икки қўл билан сийпалаб табиий сезишини кўпроқ ривожлантиради ва такомиллаштиради. Қўлларнинг фаол ҳаракати эса шаклни аниқроқ чиқаришга олиб келади. Шу туфайли болалар тасвирлаш усулларини тезроқ ўзлаштириб оладилар ва катталар кўрсатмасиз мустакил ишлай бошлайдилар, бу эса ўз навбатида болалар ижодкорлигининг тез ривожланишига олиб келади. Тасвирлаш усулларини болалар тез ўзлаштириши уларга аппликация ёки расм чизишга қараганда эртароқ икки-уч фигурадан иборат сюжетли ўйинчоқлар ясаш имконини яратади. Чунончи, расмга йирик режадаги предмет варажнинг пастки қисмида ҳамда каттароқ қилиб тасвирланади. Лой ёки пластилиндан ясалган фигуralар эса реал мавжуд фазода тахтacha ёки лой супача устига жойлаштирилади. Фаолиятнинг барча турлари болани тасвирий ифоданинг янги усулларини излашга мустакил ёндашишни шакллантиради. Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш жараёнида болаларга керакли нарсаларни ўргатишда янгиликни излаш қобилияти яхшироқ ривожланади. Чунки бунда шаклларни бевосита бармоқлар, ёғоч қалам билан

тұғрилаш, ботиқ жойларига лой ёпиштириш ёхуд шаклга ҳалал бераётган ортиқча лойларни сидириб ташлаш билан хатоларни тузатиб боориш имкони бўлади. Бунда бола шаклни бир неча марта қайта ясаб кўриши мумкин. Расм ёки апликацияда бундай қилиб бўлмайди.

Тасвирий фаолиятнинг ҳар хил турлари боланинг бадиий дидини шакллантиради. Агар расм ва апликация чизикларнинг аниқлиги ҳамда рангларнинг ёрқинлиги орқали болаларни эстетик тарбиялашга таъсир кўрсатса, ўйинчоқлар ясашда предметнинг ҳажмли шакли, юмшоқлиги ва ритми биринчи ўринга чиқади. Мана шу учта компонентнинг барчаси реал фазода мавжуд бўлиб, болада предметлар пластик шаклининг гўзаллигини, қисмларининг нисбатларини тез идрок этиш ва билиб олиш кўнукмасини шакллантиради, уларда теварак-атрофдаги воқеликка диққат эътибор ва қизиқиши ривожлантиради. Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш фаолиятнинг бир тури сифатида расм чизиш ёки апликация тузишга қараганда болаларни фазода мўлжал олишга, қатор математик тушунчаларни ўзлаштиришга тезроқ ўргатади. Чунончи, кичик гурухда болалар тўсиқ учун устунчалар ясашади, бола уларни бир жойдан иккинчи жойга олиб қўяди, қатор қилиб теради, улардан уйча атрофига девор ясайди, нечта устунча ясаганини санаб чиқади ва ҳоказо. Катта ёшли боғча болалари одам фигурасини ясашда унинг аъзоларини қаерга бириктириш тўғрисида ўйлайдилар. Бунда улар фигура қисмларини бир-бири билан ва бутун фигура билан бевосита солиштириб, таққослаб кўрадилар, уларнинг каттакиличигини, ўлчамларини (узунлигини, қалинлигини) аниқлайдилар. Холбуки, расм чизилган вақтда бу ишларни фақат кўз билан чамалаб амалга ошириш мумкин.


Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясашнинг яна бир хусусияти унинг турли ўйинлар билан узвий боғлиқлигидир. Бажарилган фигуранинг ҳажмлилиги болаларни шу ўйинчоқ ёрдамида турли ўйин ҳаракатларига рағбатлантиради. Кичконтойлар ўзлари ясаган буюмларни машгулот жараёнидаёқ дарҳол идишга солиб турли ўйинларни бошлаб юборадилар. Болалар ёшига хос бу хусусият анчагина мавзуларни ўйин билан боғлаб ўтказиш имконини беради. Масалан, болалар лой ва пластилиндан идиш-товоқлар ва ўз қўғирчоқлари учун нозу неъматлар, космодром, ҳайвоят боғи, хоккей ва бошқа ўйинлар учун кичкина фигуralар ясашлари мумкин. Машғулотларни ўйин шаклида ташкил этиш болаларнинг лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясашга қизиқишини оширади, катталар ва ўз tengдошлари билан мулоқотга киришиш имкониятини кенгайтиради. Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясашнинг хусусиятини машғулотда фойдаланиладиган материаллар белгилайди. Гуаш билан бўялган (суюлтирилган) лой муфел печида пиширишга мослаштирилган бўлади. Болалар ясаган ўйинчоқларни шу печда пишириб олинса, у худди ҳумдонда пишгандек ҳақиқий сопол ўйинчоққа айланади. Бунинг натижасида болалар идиш ва бошқа сопол буюмлар ясаш усулларини билиб оладилар, бу эса уларнинг теварак-атрофдаги нарсалар тўғрисидаги тасаввурларини кенгайтиради. Лой ва пластилиндан ўйинчоқлар ясаш жараёнида болаларда меҳнат малакалари ва енг шимариди ишлаш, иш ўрнини озода ва тартибли сақлаш, айланадиган доирави дастгоҳдан фойдаланиш одатлари ҳамда предметни ҳамма томонига ишлов бериш зарурлиги ҳақидаги тушунча ҳосил бўлади.

**Предметли ўйинчоқлар ясаш.** Предметли ўйинчоқлар ясашда айрим предметларни тасвирилш бола учун, масалан, расм чизишга нисбатан анча осон туюлади, чунки ўйинчоқ ясаётган бола реал ҳажм билан ишлайди ва шартли ифода воситаларини күлламайди. Болалар одам ва жониворлар фигуralарини қизиқиб ясайдилар. Шунингдек, улар пластик шаклдан кўра конструктив предметларни ифодалашни тезроқ ўзлаштирадилар. Тадқиқотлар таълим натижасида болаларга одам ва жониворлар тасвирини дастлаб конструктив, кейин пластик усулда ифодалаш усулини нисбатан тўғри ифодалашни ўргатиш мумкинлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун боғчада кичкинтойларга предметларнинг асосий шакли ва энг яққол, характерли белгиларини ифодалашни ўргатиш вазифаси туради. Сюжетли ойинчоқлар



ясаш ҳам расм чизиш билан қиёсланадиган расм чизишга нисбатан оъз хусусиятига эга. Расмда сюжетли композиция кўпинча тасвирилшнинг шартли усулларидан фойдаланиш билан боғлик бўлса (масалан, одамнинг ёнидан кўриниши битта кўринадиган томонидан тасвирилсанса; биринчи режадаги предметлар иккинчи режадаги фигуralарга қараганда йирикроқ тасвирилсанса ва ҳоказо), лой ва пластилин ўйинчоқлар ясаш шаклларни шартли равища ўзгартиришни ва фазо тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун нисбатларни қисқартиришни тақозо этмайди. Болалар


одатда кенг сюжетли тасвирилшга интилмайдилар — буни боғчадаги кичик ва ўрта гуруҳда ҳам, бальзан катта гуруҳда ҳам кузатиш мумкин. Бола, масалан қизча ва жўжанинг ҳаракақиз ҳолатда ифодалаш билан чекланиши мумкин, лекин ўша заҳоти уларни ўйнай бошлайди. Фигураларни стол устида ҳаракатлантириш, ўша ҳаракатларга мос гапларни айтиш бола ясаган ўйинчоқни динамика билан тўлдиради, фигураларни хаёлий эпизод иштирокчиларига айлантиради. Одатда сюжетли ўйинчоқлар ясаш мана шундай ўйиндан бошланади. Болалар ўйинчоқнинг мазкур турига қизиқиши, тасвирилш усулларини ўрганиши туфайли кенг сюжетли ўйинчоқларни ҳам ясайдилар. Сюжетли ўйинчоқ ясаш боладан кўп ишлашни талаб қиласди, чунки у композицияга кирувчи ҳар бир предметни ясами, уни тагликка ёки тагликсиз керакли ҳолатда ўрнатиши, деталлар билан тўлдириши лозим. Сюжетли композиция тузиш учун аввал таглик, унинг ҳажми ва шакли ҳақида ўйлаб кўриш, кейин уни ясаш, устига предметларни тақсимлаш ва мустаҳкамлаш керак. Кўпинча болалар дастлаб тагликнинг ҳажми ва шаклини ўйламайдилар, унга предметларни мустаҳкамламайдилар, уни юпқа қилиб ясайдилар. Тагликнинг шакли ва ўлчами умумий музмунга, фигураларнинг шакли ва ўлчамига бўйсунмайди. Бунинг сабаби шуки, мазкур ёшдаги болалар назарида таглик — фақат бир сирт (пол, ер) бўлиб,



устига предметлар жойлаштирилади. Тарбиячи болаларга қалин, етарлича ҳажмли ва чиройли таглик ясашни, унинг устига предметларни мантиқан түғри жойлаштиришиň үргатиши керак. Бу композицион харақтердаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Теварак-атрофдаги ҳаёт эпизодлари, баъзи эртаклар, ҳикоялар мазмуни лой ва пластилиндан ўйинчоқлар учун сюжет бўлиши мумкин. Сюжетли композицияларнинг ифодалилиги фақат болалар шаклни қай даражада тасвирлай олишига эмас, балки ҳаракат тасвири орқали фигуralарнинг ўзаро алоқасини ифодалай олишига ҳам боғлиқдир. Сюжетли ўйинчоқлар ясашдаги асосий вазифа: болаларга 2—3 предметдан иборат композицияни ўйлаш ва тавсирлашни; сюжетни ҳал қилишга ижодий ёндашиш ва асосий нарсани бўрттириб ифодалашни; предметларнинг шакли ва нисбатлари ҳақидаги билимларидан, жонли обектлар ҳаракати устидаги ўз кузатишларидан, ўйинчоқ ясашнинг турли усусларидан фойдаланишни үргатишдан иборатдир. Лой ва пластилиндан сюжетли ўйинчоқлар ясаш, боғчанинг фақат катта ва тайёрлов гурухларида амалга оширилади. Чунки бола предметлар түғрисида кўп нарсаларни билиши ҳамда тасвирлашнинг турли усусларидан фойдалана олиши керак. Олдинги гурухларда болалар фақат сюжетли ўйинчоқлар ясашга тайёрланадилар ҳамда керакли билим ва кўникмаларни эгаллаб борадилар. Декоратив ўйинчоқлар ясаш. Болаларга эстетик тарбия бериш воситаларидан бири болаларни ҳалқ амалий санъати, унинг ҳар хил турлари, шу жумладан, ҳалқ усталарининг майда декоратив пластикаси билан таниширишдир.

Кўғирчоқ, ҳайвон, қушларни ифодалайдиган чиройли умумлашган шакллар болаларни қувонтиради ва уларнинг бадиий диди ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади, тасаввур ва фантазиясини кенгайтиради. Турли ҳалқларнинг кулоллари яратган чиройли идишлар болаларга жуда ёқади. Болалар оддий, баъзан ғалати шаклдаги кружкаларни, туздонларни, гултувак вазаларини мароқ билан томоша қиласидилар.

**6-бўлим** якунида гурухни 5 та кичик гурухга бўламиз ва мавзу юзасидан ижодий топшириқ берамиз ушбу топшириқни бажаришда “Венн диаграммасидан фойдаланамиз”



Топшириқни бажариш босқичлари қуидагилардан иборат:



### Топшириқ мазмуні:

1. хар биңгиз пластелиндан ихтиёрий буюмни ясанғ
2. гурұх аъзолари ясаган буюмларини жамлаб яхлит маңынни билдирувчи кичик хикоя тузинг
3. гурұх аъзолари ичидан танланған лидерлар тузилған хикояни тақдим этадилар. Тақдимотлар мазмунан тақрорланмаслиги шарт.

**3-бўлим. Психологик ҳордиқ.** Психологик ҳордиқ сифатида қуидагилар қўлланилади:

- бош мия соҳасини маҳсус методика бўйича кислород билан озиқлантириш учун нафас гимнастикаси;
- бош мия ярим шарларини ривожлантиришни барқарорлаштириш учун жисмоний машқлар (шуни ёдда тутиш керакки, чап ва ўнг қўлларнинг teng имкониятларни ривожлантириш ўта мухимдир. Психологларнинг таъкидлашларича, чап ва ўнг қўллар билан teng ишлай олиш қобилияти хотира, идрок ва нутқ ривожланишига сезиларли таъсир кўрсатади);
- «Пантомима» машғулотлари билан шуғулланиш ижодий бошланиш ва ўзига нисабатан ишончни оширибина қолмай, аъло даражали эмоционал ҳордиққа айланади.

**Психологик ҳордиқ учун топшириқ:** оқ қозоз олинг ва унга икки хил маркер ёрдамида бир вақтнинг ўзида иики қўлингизда исталған сўзни ёзишга харакат қилинг. Агар сиз чап қўлингизда ёзишга қийналсангиз демак кўпроқ ўнг тараф мия шарим шари фаол экан чап тараф мия шарини фаоллаштириш учун харакат қилинг. Масалан: чап қўл ёрдамида тиш ювишингиз, компьютер сичқончасини чап қўл билан ишлатишингиз мумкин бу машқлар чап қўлингизни ва мия ярим шарини фаолроқ ишлашга ундейди. Энди икки қўл билан бир вақтда баравар ишлашга харакат қиласиз бунинг учун чексизлик белгисини аввал ўнг қўлингизда кейин чап қўлингизда сўнгра иккала қўлингизда чизинг. Кейинги машқни бажариш учун оқ қофоз оламиз ва икки қўлимизда бир вақтда турли симметрик чизиқларни чизамиз ёки ўз исмингизни ёзишингиз ҳам мумкин. Бундай психологик машқлар инсон миясининг тўлиқ ишлашига ва креатив фикрлашга ёрдам беради. Бу каби машқларни мураккаб масалалар ечимини топишда қўллаш яхши самара беради

#### **4-бўлим. Бошқотирмалар.**

– замонавий креатив дарс ишланмасининг муҳим элементларидан бири табиий обьектлар тизими – тузилишида ўткир зеҳни ихтирочилик ғояси ётган бошқотирмалар билан ўқувчиларнинг ижодий фаолияти ҳисобланади.

– Бошқотирмалар билан ишлаш аспектлари айниқса муҳимдир – фикрлаш инерциясини енгиш, ақл-идрокни ривожлантириш ва уни ҳал қилиш натижасида ижобий ҳис-туйғулар (хайрат) тўлқинини яратиш ва уларнинг ижодий қобилияtlарига нисбатан ишонч пайдо қилишга қаратилган машғулотларнинг бир тури.

– Бошқотирмалар ўқувчига шундай муаммони тақдим этадики, унинг ечимини топиш ўқувчидан фикрларнинг ноанъанавий бурилишини талаб этади.

– «10 та сўз», «Аналогиялар», «б шляпа» методларидан фойдаланиш ижобий самарани беради.

#### **Креатив бошқотирма « Одатийликдаги ноодатийлик » машки**

**Бошқотирма мазифаси:** Стул, ундан фойдаланишнинг 10 хил усулини ўйлаб топинг, бироқ бу унга чиқиб олиш ёки у билан урушиш, отиш дегани эмас. Креативроқ фикрланг. Масалан, стулни қайта ишлаш, ундан ётоқхона столчаси, курси ва ҳ.к.ларни ясаш мумкин. Бу машқ ёрдамида одатий буюмлардан ноодатий тарзда фойдаланишни ўрганасиз.

**5-бўлим. Интеллектуал машқ (ИМ).** Худди жумбоқлар каби, интеллектуал машқ ҳам ўқувчиларни рағбатлантиришга ёрдам беради ва уларни дарс давомида ижодий фаолликка жалб қиласди. Интеллектуал машқнинг ижодий вазифалар тизими узлуксиз ижодий таълимнинг дидактик тамойилларига мувофиқ тузилган. У маҳсус билимларни эмас, балки мулоҳаза қилиш, ақл-идрок ва мустақил қарор қабул қилишни талаб этувчи ижодий вазифалардан иборат. Ўқувчиларнинг ёшига мослаштирилган, қизиқувчанликка мақсадли равишда таъсир кўрсатувчи ушбу мураккаблаштирган вазифалар тизими ижодкорликни, тасаввурни ва нарса-буюмларга ноодатий ёндашишни ривожлантиради.

Интеллектуал машқнинг ижодий вазифалар тизими асосан қўйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

- фаразларни илгари суриш (улар ўқувчини ҳодисаларнинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида фикр юритишга ундейди);
- нарса-буюмлардан ноодатий фойдаланиш (бундай вазифалар болада эскирган жавоблардан қочиши, яъни қатъий тўсиқларни енгиш қобилиятини ривожлантиради);
- қонуниятларни излаб топиш (ушбу вазифалар фикрлаш мантиғи, умумлаштириш қобилиятини ривожлантиради);
- ақл бовар қилмас (фантастик) вазиятлардан чиқиши йўлини излаш (ушбу вазифалар ўқувчидаги эмпатия ва фикрлаш жасоратини ривожлантиради);
- мавжуд образ асосида схема яратиш (бундай вазифалар абстракт фикрлаш, шунингдек, асосий сифатлар ва обьект хусусиятларини ажрати олишни ривожлантиради);
- вазифага боғланган мураккаб образни енгиш, яъни, фикрлаш инерциясини енган ҳолда, вазифа чегараларидан чиқа олиш қобилиятини ошириш;
- мақсадга оид саволларни бера олиш ва уларнинг жавоби бўйича нарса-буюмларни кўрсата олиш (бундай вазифалар қизиқувчанлик, муаммоларга сезгирилик, тахмин қила олиш қобилиятини оширади);
- кенг тасаввурни босқичма-босқич ривожлантириш.

Ушбу дарс компонентининг ўқувчилар учун психологик аҳамияти шундаки,

ақлий мәхнатнинг усуллари ва қоидалари қатъий белгиланади; фикрлаш самарадорлигини оширишни таъминловчи техникаларни очиб беради; ижодий қарорлар қабул қилиш жараёнининг алоҳида босқичларини бошқариш малакалари шаклланади.

Интеллектуал машқнинг асосий вазифаси тўғри ўтказилган ахборот таҳлилиниң аҳамиятини англаш орқали мураккаб вазифаларга тайёргарлик кўришдир. Бундай турдаги методлар сирасига «Тонг кечаси бошланади», «Ўйлаб топилган персонаж», «Архитекторнинг ақлбовар қилмас қобилияtlари», «Тоза китоб» кабиларни киритишмиз мумкин.

### **«Архитекторнинг ақлбовар қилмас қобилияtlари» машқи**

Ушбу машқни бажариш давомида сиз ўта ғаройиб уй қурасиз. Бир дона қоғоз олинг ва 10 та от туркумига оид турли хил сўзларни ёзинг. Ушбу сўзлар мижозингизнинг уйини лойиҳалаш ва қуриш учун ўзи истаган хоших-истаклари. Масалан помидор, балиқ, кунгабоқар ва шунга ўхшаш сўзларни ёздингиз. Ёзган сўзларингиздан уйнинг лойихаси ва қурилиши учун қандай боғлиқлик томони бўлиши мумкин? Хар бирингиз ўзингиз ёзган сўзларингиздан фойдаланиб уйингизни қуинг ёки маш яна ҳам қизиқарли бўлиши учун ёзувларни шеригингиз билан алмашинг.

**Машқни бажариш учун ёрдам:** юқорида «помидор», «балиқ» ва «кунгабоқар» сўзларини танлаган эдик. Эҳтимол, «помидор»-уйнинг қизил рангли томи, «балиқ»- уй яқинидаги ҳовуз, «кунгабоқар»-уйнинг интеръер дизайнини безашдаги кантри услуби ёки уни пардалар безагида қўллаш мумкин. Тасаввурингизни ишга солинг иложи борича кўпроқ ўхшатмаларни ўйлаб топинг.

**7-бўлим. Мультимидали ишланма.** Компьютер интеллектуал қўллаб-куватлаш мотивацион вазифалар, бошқотирма туридаги вазифалар, интеллектуал машқ вазифалари ва бошқаларга киритилган гояларни давом эттиради ва чуқурлаштиради. Мультимидали ишланмани амалга оширишда компьютер муҳити томонидан тақдим этилган қўшимча имкониятлар, хусусан, мультимедиа эффектлари, интерактив ҳаракатлар ва бошқалардан фойдаланилади. Ушбу бўлимни амалга ошириш учун маҳсус веб сайт яратилган бўлиб дарс давомида ундан фойдаланиш дарс жараёнини бойитади ва мақсадга эришишга катा ёрдам беради.

**8-бўлим. Рефлексия ва умумлаштириш.** Ижодий дарс ишланмасидаги охирги бўлим



умумлаштиришдир. Ушбу босқичда ўқитувчи дарсни умумлаштиради ва ўқувчиларга ўз фикрини оғзаки билдиради, уларнинг дарс ҳақидаги фикрларини аниқлайди. Шу билан бир қаторда, у ўқувчилардан дарснинг ўзини (қизиқарли – қизиқарли эмас, ёқди - ёқмади ва ҳоказо) баҳолашни сўрайди, масалан, ҳафа ва табассум қилаётган юзлар тасвиранган иккита маҳсус карталар ёрдамида аниқланади.

Дарс якунида ўқувчиларнинг дарс давомидаги фаоллиги якка ва гурухли ишлар натижаларига кўра баҳоланади.

### **Дарс давомида ўқувчилар фаоллигини баҳолаш мезонлари**

<b>Баҳолаш кўрсаткичлари</b>	<b>Баҳолаш мезонлари</b>
<b>Аъло “5”</b>	<p>Мотивация қисмида келтирилга расмни тарифлай олади мавзуга оид ноёб санъат асарларидан намуналар келтира олади.</p> <p>Мактабгача таълим муассасаси турли гурухлари учун мос пластилин ва лой ишиларини қийинлик даражаси (тарбияланувчи ёши)га кўра саралай олади.</p> <p>Мавзунинг асосий қисмига қўшимча ўз билимидан келиб чиқиб маълумотлар келтира олади.</p> <p>Пластелин ва лой ишларидан келтирилган намуналарга қараб буюмлар яратади.</p> <p>Креатив ёндошув асосида ноёб буюмлар яратади.</p> <p>Жамоада ишлай олади.</p> <p>Вақт меъёрларини тўғри тақсимлай олади.</p> <p>Амалий топшириқларда ўз фикрини эркин баён эта олади.</p> <p>Дарс давомида бажарилган метод ва машқларни мустақил бажара олади.</p> <p>Веб сайтдан мустақил фойдалана олади ва маълумотлар билан ишлаш кўникмасига эга.</p>
<b>Яхши “4”</b>	<p>Мотивация қисмида келтирилга расмни тарифлай олади мавзуга оид ноёб санъат асарларидан намуналар келтира олади.</p> <p>Мактабгача таълим муассасаси турли гурухлари учун мос пластилин ва лой ишиларини қийинлик даражаси (тарбияланувчи ёши)га кўра саралай олади.</p> <p>Мавзунинг асосий қисмига қўшимча ўз билимидан келиб чиқиб маълумотлар келтира олади.</p> <p>Пластелин ва лой ишларидан келтирилган намуналарга қараб буюмлар яратади.</p> <p>Креатив ёндошув асосида ноёб буюмлар яратади.</p> <p>Жамоада ишлай олади.</p> <p>Вақт меъёрларини тўғри тақсимлай олади.</p> <p>Амалий топшириқларда ўз фикрини эркин баён этишга ийманади.</p> <p>Дарс давомида бажарилган метод ва машқларни жамоадошлари ёрдамида бажара олади.</p> <p>Веб сайтдан фойдаланиш йўрикномаси орқали фойдалана олади.</p>
<b>Қониқарли “3”</b>	<p>Мотивация қисмида келтирилга расмни тарифлай олади.</p> <p>Мактабгача таълим муассасаси турли гурухлари учун мос пластилин ва</p>

	<p>лой ишиларини қийинлик даражаси (тарбияланувчи ёши)га кўра саралай олади.</p> <p>Мавзунинг асосий қисмига қўшимча ўз билимидан келиб чиқиб маълумотлар келтира олмайди.</p> <p>Пластелин ва лой ишларидан келтирилган намуналарга қараб буюмлар яратади.</p> <p>Гурухдошлари ёрдамида креатив ёндошув асосида ноёб буюмлар яратади.</p> <p>Жамоада ишлашда фаол харакатлана олмайди.</p> <p>Вақт меъёрларини тўғри тақсимлай олмайди.</p> <p>Амалий топшириқларда ўз фикрини эркин баён эта олмайди.</p> <p>Дарс давомида бажарилган метод ва машқларни мустақил бажара олмайди.</p> <p>Веб сайтдан мустақил фойдалана олмайди.</p>
--	--

### **Креативлик компетенциясининг ривожланганлик даражасини баҳолаш мезони**

<b>№</b>	<b>Креативлик компетенциясининг ривожланганлик даражалари</b>	<b>Баҳолаш мезонларининг шаклланганлик кўрсаткичлари</b>
<b>1</b>	<b>Репродуктив паст</b>	Креативлик компетенциясини қисман шаклланган топшириқларни намунага қараб бажара олади, шахсий фикр ривожланмаган. Гарчи у етарлича асосланмаган бўлса-да ташаббусни илгари суришга интилади, креатив қобилияти етарлича нимоён бўлмайди, изланувчан бўлишга интилмайди
<b>2</b>	<b>Продуктив ўрта</b>	Креативлик компетенцияси шаклланган намунага қараб ва ўз ғояларини киритиб топшириқларни мустақил бажара олади, шахсий фикр ривожланган. Баъзан у ёки бу ташаббусни илгари суради, креатив қобилиятга эга эканлиги мунтазам бўлмаса-да аммо, намоён бўлади, креатив жиҳатдан бир қадар фаол, изланувчан бўлишга интилади
<b>3</b>	<b>Креатив юқори</b>	Ноодатий топшириқларни онгли равишда мустақил ва асослаб бажара олади. Шахсий фикрига эга, ижодкор, ноодатий ечимлар бера олади, ташкилотчи. Топшириқларни бажаришда ўзига хосликка интилади. Мустақил ғоялар яратади. Мунтазам равишда турли ташаббусларни илгари суради, креатив қобилиятга эга эканлигини изчил намойиш этиб боради, креатив жиҳатдан ўта фаол, изланувчан